

МИРЗАЧЎЛНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ибрагимов Б., ГулДУ ўқитувчиси

Мирзачўл деб аталган бепоён бу текислик деярли бир миллион гектарни эгаллайди. Мазкур майдонга айрим Бельгия каби давлатларини жойлаштириш мумкин. Мирзачўл жанубда ва жануби-шарқда Туркистон тоғ тизмалари ва Нурота тоғи билан туташган, шимоли-ғарбда эса Қизилқум саҳросига бориб такалади.

Мирзачўлнинг бўз ерларини суғориш ва ўзлаштириш истиқболлари ушбу минтақанинг табиий хусусиятларини, тупроқ-иклим шароитларини батафсил ўрганишни тақозо этади. Бугунги Мирзачўл аҳолиси фаровонлигини янада ошириш, порлоқ келажакни таъминлаш учун бу билимлар зарур. Чунки бусиз қишлоқ хўжалигини яхшилаб бўлмайди.

Деярли 50 йил чоризм мустамлакачилиги даврида Мирзачўл тарихида оғир кечди. Қурилиш ишлари, лойиҳалаш ва тадқиқотлар деярли тўхтади.

Шўро фирқасининг XX-қурултойи мамлакатда пахтачиликни ривожлантиришда янги саҳифа очди, қурултой қабул қилган дастурда шундай дейилганди:

1956 йил 6 августда қабул қилинган: «Ўзбекистон ва Қозоғистонда пахта ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун Мирзачўлнинг кўриқ ерларини суғориш тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, 1956-1962 йилларда жами 300 минг гектар ерни суғориш ва ўзлаштириш кўзда тутилган эди. Шундан 200 минг гектар ер Ўзбекистон ССР чекига тушди.

1956 йилда 205 минг гектар янги ер ўзлаштирилди. Экин майдонлари 1917 йилдан олдинги кўрсаткичга киёсан 6 марта ортди. Шундай қилиб, илгари ўзлаштирилган ерларни ҳисобга олганда, суғориладиган майдонларнинг умумий ҳудудини 500 минг гектарга етказиш мўлжалланди. Кейинроқ эса Мирзачўлда 130 минг гектар, йил охиригача 380 минг гектар кўриқ ерларни ўзлаштириш кўзда тутилди. Шундан 266 минг гектари эса Ўзбекистонга тегишли эди.

1958 йилдаги қарорга биноан Ўзбекистонда Жанубий Мирзачўл анҳорини қуриш режаланди. 1964 йил охирида мазкур анҳорнинг 93 километрлик биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Ҳаммаси бўлиб 20 млн. куб метр казиш ишлари бажарилди, ўнлаб гидротехник иншоатлар барпо қилинди. Жанубий Мирзачўл анҳорининг ишга туширилиши Ўрта Осиё кўриқ ўзлаштирувчиларининг буюк ғалабасига айланди. Ҳозирги вақтда ушбу анҳор Янгиер шаҳрини кесиб ўтади ва «Мирзачўл қурилиш» бошқармасининг биринчи бошлиғи Ақоп Саркисов номи билан аталади.

Шўро ҳукуматини 1958 йил 14 июнда қарор қабул қилиниб, унга кўра, собиқ Ўзбекистон ССР., Қозоғистон ССР ва Тожикистон ССРда Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш бўйича ишларни янада кенгайтириш ва жадаллаштириш кўзда тутилди. Мазкур қарорга мувофиқ 3 та қардош жумҳурият халқлари бирлашиб, Мирзачўлни ўзлаштиришда қаҳрамонона меҳнат қилдилар ва замонавий ер қазувчи қурилиш техникаси билан таъминланган «Главголодностепстрой» бошқармаси ташкил қилинди.

1956-1962 йилларда мазкур бошқарма томонидан Мирзачўлнинг Ўзбекистон ҳудудида 74 минг гектар майдон суғорилди. 1963 йилдан 1970 йилга қадар 27 минг гектар ерни суғориш ва ўзлаштириш мўлжалланди. Шундан жами 243 минг гектар Ўзбекистон ССР ҳудудига тўғри келди. Кейинги йилларда Мирзачўлнинг суғорма ва ҳайдалма ерлари майдонини Жиззах, Фориш ва Нурота ҳудудлари ҳисобидан 700 минг гектарга етказиш вазифаси сифатида белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, Мирзачўлнинг бўз ерларини суғориш ва ўзлаштириш истиқболлари ушбу минтақанинг табиий хусусиятларини, тупроқ-иклим шароитларини батафсил ўрганишни тақозо этади.

Адабиётлар:

1.Покорение Голодной степи. – Т.: Ўзбекистон, 1980.